

ТАЛАБАЛАРГА ТАСВИРИЙ САЊЪАТ МАШЃУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

А.У.Алдабергенов – катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: тасвирий санъат, композиция, шакл, ҳажм, нисбат, қаламтасвир, конструкция, шакл қурилиши.

Ключевые слова: изобразительное искусство, композиция, форма, объем, пропорция, рисунок, конструкция формы.

Key words: fine arts, composition, form, volume, proportion, drawing, construction form.

Ўзбекистон ўз мустақиллини қўлга киритгандан сўнг мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларининг факультет ва бўлинмаларида замонавий талабалар асосида таълим сифатини ошириш, жумладан, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш тизимини халқаро малака талаблари асосида ташкил этишдек муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар натижасида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашнинг илгор хорижий тажрибаларга асосланган миллий тизимини яратишга ҳаракат қилинди. Шу билан бир қаторда, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш сифатини ошириш, уларнинг амалий машғулотларда олган амалий малакалари ва касбий компетенцияларини такомиллаштиришга оид муҳим вазифалар бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси (1998 й.), ЮНЕСКО нинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати (1995 й.), Европа олий таълим муассасалари сифатини бир хиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Болонья декларацияси дунё миқёсида таълим сифатини оширишда муҳим ўрин эгалламоқда. Мазкур ҳужжатларга биноан бўлажак амалий санъат мутахассисларини тайёрлашда малака талабалар асосида олий таълим мазмуни ва сифатини халқаро даражага кўтариш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илгор услубларини жорий этиш йўли билан бўлажак ўқитувчилар компетентлигини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда [1].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида юксак амалий малакаларга эга педагогик кадрлар заҳирасини яратиш”, «педагог кадрларнинг касбий маҳорати сифати ва савиясини узлуksиз юксалтириш» [2] каби вазифалар белгиланиб, олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Республикамызда ўтган асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида узлуksиз таълим тизимида тасвирий санъатни ўқитиш ва педагог кадрлар тайёрлаш соҳасини ислоҳ қилиш борасида бирмунча тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, С.Абдуллаев, Б.Азимов, Б.Байметов, С.Булатов, К.Гулямов, Ж.Дарменов, Н.Толипов, Р.Хасанов ва бошқалар томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилди. Олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг ҳар бир ўз мазмуни, шакли, характериға кўра таълим тизимининг у ёки, бу соҳасини ривожлантиришга қаратилган.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси назарий билимларни чуқур эгаллаши билан бирга табиатни қанчалик кўп севса ва кузатиб ўрганса ва амалий машғулотлар давомида натураға қараб кўплаб амалий машқлар бажарса, ўз соҳасида у юксак натижаларға эришиши мумкин. Буюмларни тасвирлаш жараёнида чизилаётган шаклни чуқур таҳлил этиб, уни анализ ва синтез қилиб тасвирлаш керак. Бу эса, тасвирлаш

воситалари (қалам, соус, сангина, қўмир ва б.) билан, образли қилиб яратишда ўзининг натижасини беради. Жумладан, Леонардо да Винчи, Альбрехт Дюрерлар инсон тана аъзоларининг ҳар бир бўлагини ўрганиб ўз тасвирларида амалий қўлланганлар. Инсон қомати ёки портретини тасвирлашдан олдин унинг тузилиш хусусиятларини худди анатом-тадқиқотчидек асосли ўрганганлар ва ўзларининг бутун жаҳонға машҳур санъат асарларини яратганлар [3].

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисини касбий тайёрлашда ўқув қаламтасвирининг илмий асослари талабанинг у ёки бу ўқув машқ жараёнида тасвирлашнинг қонун ва қоидаларини аниқ бажарадилар. Масалан, бошланғич курсларда гипсли геометрик шаклларни чизишда талабадан ушбу буюмларни чизиқли конструктив тузилиши ҳамда перспектива қонун-қоидаларига амал қилиш асосида амалий бажара олиш қўникмалари талаб қилинади. Инсон қоматини тасвирлашда эса (юқори курсларда) талабалар унинг анатомик тузилишини ўрганишлари шарт.

Юқори курс талабаларида ҳар бирининг ўзига хос индивидуал тасвирлаш ва амалий машқлар бажариш бўйича техник хусусиятлари ривожлана бошлайди. Улар ҳар бир вазифани ўзига хос техник жиҳатдан амалга ошириш билан бирга қаламтасвирдаги мавжуд анатомия қонунларига риоя қилишлари лозим (суяк ва мускулларнинг жойлашиши, бирлашиши, уларнинг нисбат ва тузилишлари, ёруғ, соя ва бошқалар).

Демак, талаба ўқув вазифасини тўғри бажариш учун биринчи навбатда тасвирий санъатда қўлланилиши лозим бўлган турли қонун ва қоидаларға амал қилиш керак. Ушбу қонун-қоидалар орқали у ўқув қаламтасвири бажаришдаги биринчи даражали буюмларни бўрттириб кўрсатиши, бошқа шаклнинг характерли хусусиятларини аниқ тасвирлаш ва иккинчи даражали буюмларни эса, умумий оддий кўзға унча ташланмайдиган қилиб бажариши лозим. Ёнг муҳими у мазкур машқларни бажаришнинг амалий жиҳатларини пухта эгаллаган бўлиши керак.

Тасвирий санъат соҳасидаги қўлланиладиган қонун ва қоидалар табиат қонунларидан келиб чиқади. Ушбу қонунлар тасвирий санъатға етарли таъсир этиб унинг ривожланишида катта аҳамиятға эға. Тасвирлаш қонунлари талабада шаклларни амалий жиҳатдан ишлаш билим ва малакаларини шакллантиради, ижодий қобилиятларини ўстириш ва уни бўлажак педагогик фаолиятға пухта тайёрлайди.

Буюмларни ўзига қараб тасвирлаш машқлари бадий –графика факультетларида асосий ҳисобланиб, у талабадан юқорида баён этилган қонун ва қоидалар асосида иш юритишни талаб этади. Шу боис, талаба ўқишнинг дастлабки босқичлариданок расм чизишнинг асосий қонунлари билан тўла қуролланган, ҳамда ўтмишдан яшаб ижод қилган буюк рассомларнинг ижодини ва тасвир ишлаш техникаларини чуқур ўрганиши лозим.

Буюмларни конструктив тузилишини ҳамда уларнинг турли ҳолатлардаги перспектив қисқаришларини тўғри тасвирлаш талабалардан тинмай амалий машқлар бажаришни талаб этади. Жумладан буюмларни тасвирлашда хоҳ у тирик натура бўладими, ёки гипсдан ишланган геометрик шаклларми унинг ёниға шу

шаклнинг симдан ишланган нухасини қўйиб ёш расомларга чизикли конструктив тузилиши, перспектива конун-қоидаларини осонликча ўрганишларида ёрдам берган. Синч усули ёрдамида тасвирлаш турли геометрик ҳамда бошқа шаклларни (куб, цилиндр, конус, призма ва бошқалар) буюм текислигидаги таянч нукталарини, перспектива асосларини ҳамда фазовий ҳолатларини аниқлашда катта ёрдам беради.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисини касбий тайёрлаш ва унга бадиий маълумот беришда борлиқни ҳаққоний тасвирлаш муҳим ҳисобланади. Борлиқдаги буюм ва шаклларни ўзига қараб амалий жиҳатдан ҳаққоний тарзда тасвирлаш талабаларга амалий биланларни берибгина қолмай, балки уларнинг умумий дунёкарашларини ўстиради. Ҳаққоний расм чизиш санъати, борлиқни ҳаққоний образларда тасвирлаш маҳоратини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Расм чизишни ўрганиш талабаларга атрофдаги жисмларнинг ҳажмини ҳаққоний тасвирлаш билан бирга, уларнинг эстетик дидларини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Расм чизиш асосларини ўрганиш, нарсанинг ўзига қараб босқичма-босқич тарзда тасвирлаш тамойилида қурилгандир.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг етук малакага эга бўлишида нафақат тасвирлаш санъатининг назарий асослари бўйича тайёргарлигининг пухталиги, балки, амалий машқ бажариш кўникмаларнинг юқори даражада ўзлаштирилганлигига ҳам боғлиқ.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси учун қуйидаги асосий конунларни ўрганишни мақсад қилиб қўйилади:

1. Тасвирлашда чизикли конструктивнинг қурилиш назарий асосларидан фойдаланиш.

2. Шакл композицияси ва унинг усулларида кенг фойдаланиш методикаси.

3. Буюм ва шаклларнинг ўзаро нисбатлари уларнинг тузилиши.

4. Шаклларнинг перспектив тузилиши ҳақидаги конунлари.

5. Бажарилаётган тасвирдаги ёруғ ва сояларнинг конуниятлари.

6. Тасвирий методик изчилликда тўғри бажариш.

Ушбу билимлар бўлажак ўқитувчи-расомнинг олийгоҳни тугатгандан сўнг, педагогик ва ижодий иш жараёнида ҳам катта аҳамиятга эга. Шунингдек, мазкур кўникма ва малакалар талабанинг олий ва ўрта ўқув юртида билим олиш давомида ўқув машқларини амалий жиҳатдан бажариш орқали ривожланади ва такомиллашиб боради.

Хулоса ўрнида шуларни таъкидлаш жоизки, тасвирий санъатда етук асарларни яратиш расомдан катта кузатувчанлик, нарсанинг ўзига қараб амалий жиҳатдан ишлаш малакаларини, шу соҳада қўлланиладиган конун ва қоидаларга риоя қилган ҳолда, албатта қалам билан ишлашдаги маҳорат ва тажрибани талаб қилади. Буларнинг барчасига эришиш учун шаклларнинг тузилиши, уларнинг тасвирлаш воситаларида ишлаш йўллари пухта эгаллаш учун эса амалий билим ва тажрибани орттириш керак бўлади. Бунинг учун эса, талаба узлуксиз равишда амалий машқлар қилиб бориши керак. Фақат шундагина у етарли маҳорат ва билимларга эга бўлади ва мамлакатимизнинг тасвирий санъатини ривожлантиришда улкан натижаларга эришиши мумкин.

Адабиётлар

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси (1998 й.), ЮНЕСКО нинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати (1995 || CEFR. Learning, teaching, assessment. Language Policy Unit, Strasbourg. www.coe/lang-CEFR
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 – сон Фармони.
3. Байметов Б. “Қаламтасвир” педагогика олий ўқув юртлари учун дарслик. -Т.: “Мусика” 2006.
4. Байметов Б.Б., Толипов М. Пластик анатомия. Ўқув қўлланма. -Т.: «Илм зиё», 2007.
5. Baymetov B.B., Muratov K.K. [Self Sketches as a Tool in the Professional Training of a Future Artist-Teacher](http://www.solidstatetechnology.us). Vol.63. No. 2, (2020) @ www.solidstatetechnology.us
6. Байметов Б. История развития изобразительного искусства Узбекистана. Наука, образование и культура. –Москва: 2016. – С. 19-23.
7. Ростовцев Н.Н. Академический рисунок. -М.: 1984.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда назарий ва амалий билимларнинг уйғунлиги, тасвирий санъатнинг асоси бўлган қаламтасвирнинг назарий ва амалий машқлар бажаришнинг аҳамияти ҳақида ишлаш жараёнида сўз боради. Талабаларга натурага қараб тасвирлаш бўйича амалий маслаҳатлар берилади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена одной из актуальной теме о подготовке будущего педагога художника, о роли научных знаний и практических навыков в педагогическом рисовании. Приводятся практические советы по выполнению учебных постановок.

SUMMARY

The article is devoted to one of the topical issues of training the future art teacher, the role of scientific knowledge and practical skills in pedagogical drawing. Practical advice is presented about the implementation of educational productions.

NAĞIS ELEMENTLERIN SIZIP ÜYRETIW USÍLLARI

M.A.Amanbaev – *ülken oqıtwshı*

G.Y.Smaylova – *oqıtwshı*

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı

Tayanch soʻzlar: naqsh, milliylik, rang, kolorit, oʻquvchi, naqqoshlik.

Ключевые слова: узор, национальность, цвет, колорит, ученик, орнамент.

Key words: pattern, nationality, color, coloring, student, ornament.

Búgingi kúnde mámleketimizde barlıq tarawlarda ámelge asırılıp atırǵan reformalar elimizdiń jańa rawajlanıw basqıshına ótiwine, xalqımızdıń párawan jasawına tiykar jaratpaqta. Mámleketimizde eń áhmiyetli wazıypalardıń biri jámiyet aǵzaların, sonıń ishinde eń aldı menen jas áwladtı kamalǵa keltiriw, olardıń júreginde milliy ideyanı, óz watanına sadıqlıq sezimlerin oyatıw, ózligin ańlaw, milliy hám ulıwma mádeniy qádiriyatlar ruwxında tárbiyalawdan ibarat. İnsan sanasın, dúnyaǵa bolǵan kóz qarasın ózǵertpey turıp, jámiyette júrgizilip atırǵan reformalardan gózlenen

maqsetke erisiw qıyın boladı. Sonlıqtan da elimizde keleshegimiz bolǵan jas áwladtı milliy ideya tiykarında milliy, ruwxıy tárbiya beriw hám olardı watansúyiwsilik ruwxında tárbiyalaw ayırıqsha áhmiyetke iye. Sonday-aq, gózzallıq sırların úyreńiw arqalı insanlarga tiyisli jaqsı páziylet keleshekke jetelew hám jaslardı estetikalıq hám ruxiy kamalǵa jetkeriw, olarǵa hár tárepleme ruwxıy azıq beriwde naǵısshılıq óneri, aǵashqa naǵıs oyıw boyınsha shınıǵıwlar talabalarda ruwxıy aǵartırıwshılıqtıń ajralmas